

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг  
2016 йил 27 сентябрдаги  
1512д-сонли хужжат билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

## МИНИ-ТЕХНОЛОГИЯ ВА АСБОБ-УСКУНАЛАРНИ ИЗЛАШ УЧУН АРИЗА

### 1.1. Номи

Мини-технология ва асбоб-ускуналарни излаш учун ариза

### 1.2. Хизмат кўрсатувчи бўлим

Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Замонавий мини-технологиялар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими

### 1.3. Ҳуқуқий асоси

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси тўғрисида”ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 сентябрьдаги “Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси фаолиятини ташкил этишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 441-сонли Қарори ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Устави.

### 1.4. Хизматдан фойдаланувчилар

Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтган юридик шахс ва юридик шахс мақомига эга бўлмаган жисмоний шахс кўринишидаги тадбиркорлик субъектлари.

### 1.5. Ижро муддати

Мурожаат Палатага келиб тушган кундан эътиборан ўн иш кунидан бир ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади ва мурожаатчига хабар берилади.

### 1.6. Аризачини хабардор қилиш

Мурожаатчига мурожаатининг ижроси бўйича Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг Замонавий мини-технологиялар ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўлими масъул ходимлари томонидан хабардор қилинади.

### 1.7. Ариза ижроси вақти

Ариза ижроси фақатгина иш куни ва иш вақтида амалга оширилади.

### 1.8. Рад қилиш асослари

Аноним мурожаатлар;

Амалдаги қонунчиликда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.